Маҳалламиз жонкуярлари

Сурхондарё вилояти

# ЭЗГУ ИШДАН ҚОЛГАН ИЗ

**Сариосиё туманидаги Сариосиё қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Насрулло Мирзаевнинг оқсоқоллик фаолиятига ҳам беш йилдан ошди. Ўтган йилнинг декабр ойида ўтказилган йиғилишда ҳам тўрт номзоднинг орасида унинг вакиллар эътиборига ҳавола қилган дастури маъқул топилди.**

Чунки унда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, маҳаллалар ободончилигига алоҳида эътибор қаратилган. Фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш бош вазифа қилиб қўйилган. Уларни амалга оширишнинг мустақил пойдевори яратилганлиги аниқ фактлар билан исботлаб берилган эди.

Ўтган йили давомида эхтиёжманд инсонларни моддий қўллаб-қувватлашга қарийиб олти миллион сўм сарфланган. Маблағни ширкат ва фемер хўжаликлари, тадбиркорлар берган.

Искандар Диёров номли ширкат хўжалиги туманда илғор.

Пахта, ғалла, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалари ортиғи билан бажарилган. Даромад ҳам шунга яраша. Соф фойда эса 88 миллион сўмдан ошди. Ширкат ташаббуси билан Эркин маҳалласида гузар қуришга киришилди. Қисқа муддатда маҳаллада ўн хонадан иборат шинам бир кошона қад ростлади. Унга сарфланган маблағ кам эмас, нақд йигирма миллион сўмдан ошди.

Қишлоқ оқсоқоли Насрулло Мирзаевнинг таклифи билан хўжалик ҳисобидан уч километр ички йўлга асфальт ётқизилди. 300 метр масофага газ қувури тортилди. 36 муҳтож оиланинг ҳар бирига ўн минг сўмдан маблағ ажратилди. Умуман ночор оилаларни иқтисодий қўллаб-қувватлашга 3 миллион 263 минг сўм ажратилди. Эркин, Қорасув, Ҳурватан, Пистамазор, Янгитурмуш, Охунбобоев номли маҳаллаларни ободонлаштиришга қарийиб уч миллион сўм харажат қилинди. Ҳозирги қишлоқ йиғини ҳудудида учта маҳалла гузари фаолият юритмоқда.

Қишлоқ йиғинидаги Эркин, Қорасув, Янгитурмуш маҳаллалари фуқаролар йиғинлари жойлашган бинолар замон талабидан анча орқада, хароб эди. Халқ ҳашарга чиқди. Қишлоқ ва маҳалла раислари уларга бош бўлди. Натижа эса тезда кўзга ташланди. Хушсурат идора бинолари бунёд этилди. Қишлоқ йиғинидаги маҳаллаларда электр энергияси, ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш муаммоси ҳал этилган. Ички йўлларни равонлаштириш борасида эса ҳали қилинадиган ишлар кўп. Бу йил Қорасув, Ҳурватан маҳаллаларида ўн километр йўлга асфальт ётқизиш мўлжалланган. Янгитурмуш, Пистамазор, Охунбобоев номли маҳаллаларда янги гузарлар қуришга киришилган. Ёз ойларида оқар сув танқис бўлади. Томорқа ерларда етиштириладиган экинларни суғоришда қийинчилик сезилади. Бу муаммони бартараф этиш учун ўн минг метр ариқзовурларни қазиш, сув йўлларини ҳозирлаш вазифаси белгилаб олинган.

Ҳа, Сариосиё қишлоқ йиғинида Меҳр ва мурувват йилида режалаштирилган вазифалар аниқ. Уларни амалга ошириш йўлида Насрулло Мирзаев раҳбарлигида Абдухолиқ Авазов, Комилжон Раҳимов, Ражабали Жўрабеков, Саиджон Бобоев, Муҳамад Давлатов сингари серғайрат маҳалла оқсоқоллари ҳозирданоқ муҳим тадбирларни амалга оширмоқдалар. Одамларни эзгу ишларга сафарбар этмоқдалар.

**Омон ШУКУРОВ**
**"Маҳалла" мухбири.**

Бухоро вилояти



*Бухорои Шариф азалдан нафақат шарқда, балки ғарбда ҳам машҳур бўлган. Тарихий обидалари, нилий гумбазлари, азиз авлиёлари, меҳнаткаш ва ҳалол кишилари билан донг таратган ушбу шаҳар мустақиллик йилларида янада чирой очди. Тарихий обидалар қаторида энг замонавий бинолар, ўқув юртлари қад ростлади. Яқинда улар сафига Бухоро Нефт ва газ саноати касб-ҳунар коллежи ҳам қўшилди. 850 талабага мўлжалланган ушбу билим даргоҳи "Ўзбекнефт-газ холдинг" компанияси учун мутахассислар етказиб беради.*

***Суратда: ўқитувчи Ноила Сулаймонова ўқувчиларга нефт ва газни ташиш, уни сақлаш мутахассислигидан сабоқ бермоқда.***

***Тоҳир ҲАМРАҲУЛОВ олган сурат.***

Ахборот

Тошкент шаҳри

***«Кўкалдош» Тошкент ўрта махсус ислом билим юртида «Ватан ҳимояси - олий саодат» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон мусулмонлари идораси, таълим соҳаси ходимлари, устоз-мураббийлар ҳамда ўқув юрти талабалари қатнашдилар.***

# ВАТАН ҲИМОЯСИ - ОЛИЙ САОДАТ

Тадбирда билим юрти директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари А.Жўраев Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган миллий армиямиз ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлашда қалқон бўлиб турганлиги ҳақида гапирди. Шундан сўнг сўзга чиққанлар истиқлол йиллари давомида армиямизда ўтказилган ислоҳотлар, унинг замонавий ускуналар билан таъминланганлигини ва ҳозирги кундаги фаолияти ҳақида гапирдилар. Ўқув юрти талабалари ёшларни чақириққа тайёрлаш дарсларида ўрганган билим ва амалий кўникмаларини намойиш қилдилар.

**Тўлқин ТОШБОЛТАЕВ**

# МУРУВВАТ ТЎЙДАН БОШЛАНДИ

***Ғузор тумани Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ташаббуси билан жамғарма ҳисобидан тумандаги кам таъминланган оилалар фарзандларининг ўн бир нафарига хатна тўйи ўтказилди.***

"Оқсарой" чойхонасида бўлиб ўтган бу шодиёнага туман ҳокимияти вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, тўй болаларнинг ота-оналари ва яқинлари таклиф этилди. Тадбир сабабчиларига тўй либослари кийгизилиб, йиғилганлар учун байрам дастурхони ёзилди.

Тўй болаларга турли совғалар топширилди. Жумладан, "Истиқлол" жамоа ширкат хўжалиги раиси Н.Оролов уларнинг ҳар бирига 100 кг.дан буғдой ҳадя қилди.

Жамғарманинг туман бўлинмаси тўёна сифатида 11 нафар тўй болаларга ҳисоб рақами очиб Халқ банкига омонат пули қўйди.

Шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳам мурувватдан четда қолмадилар. Уларга ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Саъдулла ЎЛЖАЕВ,**
**Ғузор тумани Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси.**

Жамғарманинг вилоят бўлимида:

Андижон вилояти

# ЯКШАНБА — ОИЛА СПОРТИ куни дея эълон қилинди



***Ўзбекистонда оилага бўлган жиддий эътиборнинг бир кўриниши бу оилавий спортни ривожлантиришга қаратилган тадбирлардир. Вилоят ҳокимининг «Вилоятда маҳаллалараро «Соғлом оила» оилавий спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига ҳамда шу тўғридаги Республика «Маҳалла» жамғармаси ва бошқа ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган низомга кўра маҳаллаларда оилавий спортнинг аҳамияти ва уни барча оилаларнинг турмуш тарзига сингдириш зарурлиги тўғрисида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.***

Ўтган йилнинг феврал-март ойларида оилавий спортнинг II тури бўйича бўлиб ўтган мусобақаларнинг маҳалла ва қишлоқ босқичида 106892 нафар, шаҳарлар ва туманлараро босқичида 4566 нафар, вилоят босқичида эса 252 нафар оилавий спортчилар иштирок этдилар.

«Соғлом оила» оилавий спортининг Тошкентда ўтказилган республика босқичида Андижон ғолиби Юсуфжоновлар оиласи иштирок этиб, шарафли 3-ўринни эгаллади ҳамда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг Фахрий Ёрлиғи ва рангли телевизор билан мукофотланди.

Лекин кейинги вақтларда бу соҳада бироз хотиржамликка йўл қўйилганлиги сезилмоқда. Унга барҳам бериш, маҳаллаларда эндигина қарор топиб келаётган оилавий спортнинг барча турларини кенг қулоч ёздириш, соғлом оилани шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг бу каби муҳим омилларидан тўғри фойдаланишни кучайтириш мақсадида «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими раёсати қарор қабул қилди. Унга кўра вилоятдаги барча маҳаллаларда якшанба кунлари «Оилавий спорт мусобақалари куни» деб эълон қилинди.

Ушбу кунда маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан оилаларни масофага югуриш, сакраш, арқон тортиш, бадминтон, теннис, кегли ўйини, волейбол кабиларга кенг жалб қилиш тавсия этилди.

Наврўз, Мустақиллик байрамлари, халқаро хотин-қизлар куни, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни кабилар олдидан маҳалла, қишлоқ, шаҳарча биринчилиги учун оилавий спорт мусобақаларини ўтказиш, ғолибларни эса моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш кўзда тутилди.

**Моҳичеҳра ЛАТИПОВА**



# «МЕҲР КЎЗДА»Н МЕҲР

***Юнусобод тумани Абулқосим Фирдавсий номли маҳаллада қирққа яқин кам таъминланган оилаларга «Меҳр кўзда» нодавлат ташкилоти томонидан иссиқ кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Бундан боши кўкка етган юртдошларимиз ўзларининг дил қувончларини ва ташаккурларини изҳор этишди.***

- Биз маҳалла фаоллари билан маҳалламиз қошида «Меҳр кўзда» кичик нодавлат ташкилотини ташкил этгандик. Мана бу ҳаракатларимиз бугунги кунда ўз самарасини бериб келмоқда, - дейди Абулқосим Фирдавсий номли маҳалла оқсоқоли Хайрулла Зокиров.

- «Меҳр кўзда» ташкилотида ёшларни сартарошлик, дурадгорлик, наққошлик, тикиш-бичиш, қандолатчилик, пазандачилик ва бошқа ҳунарларга ўргатиш учун етарли шарт-шароитлар яратилаяпти. Биз бундай меҳр-мурувват ёрдамини нафақат бу йилда, балки ҳар йили кўрсатамиз, - дейди «Меҳр кўзда» раҳбари Элвира Аҳмедова.

**Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

## Олам турфа



### ЁМҒИРДА ҚОЛСАНГИЗ ЮГУРМАНГ

**Кўчада шаррос ёмғирда қолиб кетган одам нима қилади? — Тезроқ бирор пана жойга боришга ошиқади. Лекин бунинг учун югуриш шарт эмас. Маълум бўлишича, одам ёмғирда қанчалик тез югурса, шунчалик тез ивиб кетаркан. Физик олимлар югураётган ва оҳиста кетаётган одамларга қанча ёмғир томчиси тушишини ҳисоблаб чиқишган. Шунинг учун мабодо, ёмғирда қолиб кетсангиз шошмасдан кетаверинг. Шунда сиз ивиб кетмайсиз — тадқиқот натижаси ана шундай.**

### ҚОР БОШҚА ДАВЛАТДАН ОЛИБ КЕЛИНАДИ

**Данияликлар чанғи спорти "жинниси". Аммо бу ўлкада қор жуда кам ёғади. Шу важдан ҳам улар қорни темир йўл орқали, яъни вагонларга юклаб Норвегиядан олиб келишади ва тепаликларга сепиб чиқишади. Бу олиб келинган қорларни улар шунчалик эъзозлашадики, эриб кетишига йўл қўйишмайди.**

### "МАЙМУНЛАР" ТАНЛОВИ

**Жаҳонда қанча танлов ва мусобақалар ўтказилишини тасаввур ҳам қилиш қийин. Америконинг "Нэшнл инкуайер" журнали эркаклар ўртасида "Қўшма Штатларнинг бадани энг кўп жунли кишиси" танловини ўтказди. Унда бутун бадани қалин жун билан қопланган Родни Уайт исмли киши биринчи ўринни эгаллади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ғолибнинг юзи теп-текис, соқол ва мўйлов ҳам қўймаган, лекин бадани...**

**Рафиқаси турмуш ўртоғининг ғалабасидан ниҳоятда қувонди, ахир Родни "маймун" бўлса-да, "Танлов ғолиби" унвонидан ташқари мўмайгина пул ҳам олганди-да.**

### ЧЕКИШ ЎРНИГА — ШИРИНЛИК

**Карлсруэ (ГФР) шаҳридаги баъзи бир такси ҳайдовчилари уловга ўтирган йўловчиларни ширинлик билан меҳмон қила бошлашди. Улар бу усул билан чекишга қарши кураш компаниясига муносиб улуш қўшмоқдалар.**

Эй, сиз одамлар, эсиз одамлар...

**"... аёлларни фақат ёмон одамларгина хору зор қилур"**
***(Ҳадисдан)***

# "...ЁМОН ОДАМ"

**Бу даҳшатли воқеа рўй бермаслиги мумкин эди, аммо... кўз очиб-юмгунча вақт орасида рўй берди. Наҳот аёл зотига пичоқ кўтариш, уни қийноққа солиб ўлдириш шу қадар осон кечса? Бундай мудҳиш жиноятнинг илдизлари қаерда?**



"... Қизимни ўн бир йил аввал турмушга берган эдик. Эри билан жанжаллашиб, кўп марта уйимизга аразлаб келарди. Раҳматли отаси "гап-сўз кўпайиб кетмасин" деб Саломатни эри билан яраштириб қўяр эди. Куёвим ҳеч қаерда ишламасди, кўп ичарди. Қизим эса Шаҳрисабз тумани коммунал идорасида гулчилик қилиб, уч фарзандини боқар, рўзғорни бир ўзи тебратарди. Охирги марта жанжаллашганларидан кейин қизим уйимизга келиб яшай бошлади. Шу орада эри нуқул келиб "Сени ўлдираман" деб дўқ-пўписа қилаверарди. Мана, ахийри шум ниятига етди..."

**(Марҳуманинг онаси Ҳалима Раҳмонованинг кўрсатмасидан)**

"... Эри "уч талоқ" сўзини айтган экан, шундан сўнг опам "энди бирга яшамайман" деб судга ариза берганди. Суд буларнинг бир қарорга келишлари учун уч ой муҳлат белгилаган. Опам бизникида яшаётганида эри Бурҳон Қулматов бир неча марта келиб жанжаллашиб кетди. Ўша кунги қотилликка мен ҳам гувоҳман. Хиёбонда ишлаётган эдик. Опам сув олиб келгани кран томонга кетувди, бироз ўтиб унинг додлагани эшитилди. Югуриб борсам, опам ўт-ўланлар устида қонга беланиб ётибди, эри унинг дуч келган ерига пичоқ тиқиб олар эди. Ажратмоқчи бўлгандим, Бурҳон Қулматов мени оёғи билан тепиб юборди, шунда қўлидаги пичоқ учиб тушди. У пичоқни олиб мен томонга қараб отди, тегмади. Шунда бир киши келиб Бурҳон Қулматовни ушлаб қолди. Биз "Тез ёрдам" чақириб, опамни касалхонага жўнатдик. Лекин у вафот этди..."

**(Гувоҳ Зулхумор Холиёрова кўрсатмасидан)**

"...Отам кечаси маст бўлиб келиб онамни калтакларди. Гоҳида бизни ҳам уйдан ҳайдаб чиқарарди. Қўшнилар чиқиб уларни ажратиб қўйишарди. Ҳамма вақт урушишганларида отам уйимиздаги болтани қўлига олиб онамга "Сени ўлдираман" дерди. Гулруҳ, Малика холаларим онамнинг тарафини олганларида отам уларниям калтаклаган. Биз кўпинча Шаматон қишлоғида яшайдиган момомникига кетиб қолардик..."

**(Фарзандлар - Жамила ва Жавлонларнинг тергов пайтидаги сўзидан)**

"Шаҳрисабзнинг Калакон маҳалласида — Бурҳон Қулматовлар билан қўшни турамиз. Эру хотин кўп жанжаллашишарди. Шу йилнинг июнь ойида Саломат эри маст бўлиб келиб уйда тўполон кўтараётганини бизга келиб айтди. Мен уларникига чиқиб, Бурҳонни тинчлантирдим..."

**(Илҳом Ҳакимов кўрсатмасидан)**

"Мен Шаҳрисабз туман коммунал хўжалиги корхонаси раҳбари сифатида бир йилдан бери ишлайман, марҳума Саломат Холиёрованинг турмуши яхши эмаслигидан хабарим бор. Эри бир неча марта хотини ишлаётган жойига келиб жанжал кўтарганида сабабини сўраганман, шунда Саломат «Эрим билан ярашмайман, "уч талоқ" сўзини айтган» деганди. Бир марта улар уришишаётганларида мен Бурҳон Қулматовнинг ёнига бориб, "Қўй, бу ерда жанжал кўтарма, уйингга бор" деб жўнатиб юборганман..."

**(Ҳаким Йўлдошев кўрсатмасидан)**

Тергов давомида олинган кўрсатмалардан хулоса қилаётган бўлсангиз керак: бу оиланинг оила бўлиб тинч-тотув яшаган кунлари кам бўлган.

Бўлар иш бўлди! Шу ўринда битта нарсани ўйлаб куюнасан, киши. Кўпчилигимиз оила ташвишларию эру хотин можаросини шахсий иш деб ўйлаймиз. Қуни-қўшни, қариндош-уруғ ва бошқа яқинларнинг уйларида жанжал бўлса "Аралашмайлик, ўзлари муросага келиб қолишар" дея қўл силтагувчилар кўп. Аслида эса жаҳлига эрк бериб бир-бирини аёвсиз ҳақоратлаётган эркак ва аёлни сал инсофга чақирганимиз, жанжал туфайли бирор ҳодиса юз бермасиданоқ уларни шаштидан туширганимиз даркор эмасмикин? Балки шунда ҳар икки томон ўз хатоларини тушуниб, оила муҳити яхшиланар эди? Хўш, шундай экан, нима учун қотиллик юз бергунига қадар Бурҳон Қулматов ва Саломат Холиёроваларнинг тақдирига ён-атрофдагилар бепарво қарашди? Уларнинг муросасизлиги авж олиб кетгунигача ҳеч ким эру хотинга жиддийроқ маслаҳат бериб, бирор йўл-йўриқ кўрсатмади? Нега? Ахир қотиллик - оғир жиноят, бу жиноят эса ўз-ўзидан рўй бермайди? Унга жиддий сабаб бўлаётган иллатни то у илдиз отгунига қадар бартараф этиш мумкин эди-ку, деган хаёлга борасан, киши. Бу иллат қачон пайдо бўлганди, ўзи?

"... Биз 1992 йилда никоҳдан ўтганмиз, яхши яшардик. Турмуш ўртоғим - Холиёрова Саломат туман коммунал хўжалигида боғбон-гулчи эди, мен мардикорчилик қилардим. Кейинги пайтларда Саломат ишдан кеч келадиган бўлди, мен унинг юриш-туришида ўзгариш сезиб, шубҳага тушдим. Шундан кейин ўртамизда жанжал чиқди. Анча вақт гаплашмасдан юрдик. Шунда у болаларимизни олиб онасиникига кетиб қолди. Мен ярашамиз деб бир неча марта Саломатнинг ёнига бордим, кўнмади. Кейин билсам, у ажрашиш учун судга ариза берган экан. Болаларимни кўргани борсам, Саломатнинг онаси мени ҳайдаб чиқарди, сўнг мен Шаҳрисабз деҳқон бозоридан 700 сўмга пичоқ сотиб олдим. Турмуш ўртоғим ишлаётган хиёбонга бориб, унга "мени онанг ҳайдаб солди, болаларимни кўрсатмади" десам, у "жуда яхши қилибди" деди. У қўлимдаги сўмка ичида турган пичоқни кўриб қолди, "Сен умрингда чумчуқ ҳам сўймагансан, мени пичоқлашга келдингми" деди. Айтишиб қолдик, шунда у "бу пичоқни менга ур, ур!" деб яқинлашиб келаверди. Жаҳл устида унинг тўғри келган жойига пичоқ уриб юбордим, кейин нима бўлганини билмайман. Мен турмуш ўртоғимни ўлдирмоқчи эмасдим, қўрқитмоқчийдим, холос. Қилмишимга пушаймонман..."

**(Бурҳон Қулматовнинг кўрсатмасидан)**

Ҳадисларда "Тангри аёллар билан яхши муомалада бўлишларингни тавсия этади, чунки улар оналаринг, қизларинг, холаларингдир..." дейилади. Аёлига пичоқ кўтарган одамнинг маънавияти ҳақида нима дейиш мумкин? Унинг хаёлидаги салбий тушунчалар, нотўғри тасаввур ва шубҳаю гумонларга кўпроқ атрофдагилар сабабчи эмасмикин? "Опамга учталоқ айтган" деб опасининг уйдан чиқиб кетганини маъқуллаган сингил, остонадан кирган куёвни ҳайдаб чиқарган қайнона, уларнинг жанжалларига қўл силтаб қўяқолган қуни-қўшни, қон-қариндошларнинг ҳаммаси эру хотин муносабатларининг тобора кескинлашиб боришига ҳисса қўшишган, аслида. Негаки, ҳар биримиз ўзимизни тутишимиз, феълу атворимиз, ўзаро муносабатларимиз билан атрофимиздагиларга таъсир кўрсатиб, маълум ўринларда уларни тарбиялаб борамиз. Шундай экан, нима учун зарур вақтда ўзимизни четга тортдик? Оқибатда Бурҳон Қулматов сингари қизиққон одамларнинг жиноятга қўл уришига имкон яратиб бермадикмикин? Ахир, оила иши шахсий эмас, балки жамият миқёсидаги улкан вазифа саналади. Оила тақдирига бепарво қарасак, ўзгаларнинг нотўғри хатти-ҳаракатларини маъқулласак, адашган кимсаларни тўғри йўлга солиш сингари инсоний бурчларни унутсак, теварак-атрофимиздаги юзлаб оилаларнинг пароканда бўлишига, жиноий ҳаракатларнинг кўпайишига йўл очган бўламиз, шундай эмасми? Фарзандларининг онаси - аёлига пичоқ кўтариб уни қийноқларга солиб ўлдирган Бурҳон Қулматовнинг оғир жинояти ҳар биримизни ҳушёр торттириши керак.

**Шербобо ХУРРАМОВ,**
**Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани прокурори.**

